Ушбу сонда:
2 ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ МУҚАДДАС
3 МАҲАЛЛА – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ
4 ОИЛА ДАВРАСИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 28 октябр, сешанба № 167 (1592)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ
V боб, 18-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конунига мувофиқ ҳамда истиқболда асосий субъект - қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шаклларини танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимини шакллантириш;

бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва ғаллани етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланиши тамойилига қатъий риоя қилиниши зарур. Бунда электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Камида уч йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

4. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шу жумладан шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш - ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланадиган ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чоралар қўлланиладиган тартиб жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки билан биргаликда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан, мавжуд кредиторлик қарзлари тўлангандан сўнг маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда уларни молиялашга 2004-2005 йиллар мобайнида босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи механизмни ишлаб чиқсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

фермер хўжаликларига айлантириладиган қишлоқ хўжалик ширкатлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномасига кўра ҳар йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек, ягона ер солиғи белгиланган тартибда ўз вақтида тўланмаган тақдирда фермер хўжаликлари фаолиятини фақат уларга ижарага берилган ерлардан ижара шартномасига мувофиқ мақсадли ва унумли фойдаланиш масалалари бўйича текширишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминласин, уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашишга уриниш ҳолларига қатъий чек қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга республика ҳудудларида фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғини яратсин, бир ой муддатда уларнинг жойлашиш манзилларини белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга икки ой муддатда фермерларни бозор шароитида бизнесни бошқариш ва юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби, суғурта, банклар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан муносабатлар асослари бўйича ўқитишни кўзда тутувчи Фермерлар тайёрлаш дастурини тайёрласин ва тасдиқласин, ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга фермер хўжаликлари ўзи учун зарур ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ем-хашак, уруғлик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун зарур бошқа ресурларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузишнинг бозор механизмларини ишлаб чиқсин ва 2004 йилдан бошлаб жорий этсин.

10. Қуйидагилар ташкил этилган вақтдан бошлаб, истисно тариқасида:

қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ширкатлари ҳудудида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган корхоналар ер ва мулк солиғини тўлашдан;

сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг хизматлари қўшимча қиймат солиғи, даромад ва мулк солиғини қўшиш ва тўлашдан уч йил муддатга озод қилинсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, тенг ҳуқуқли рақобат шароитини яратиш учун муқобил машина-трактор парклари солиққа тортиш шартлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар (шудгорлаш, экиш, ишлов бериш, йиғиб олиш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича «Ўзагромашсервис» уюшмасининг вилоят бирлашмалари машина-трактор парклари тенглаштирилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастурини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 27 октябр

ЖССТ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

25 октябр куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Бош директори Ли Чонг-Вукни қабул қилди.

Ли Чонг-Вук шу йил май ойида мазкур ташкилотга раҳбар этиб сайланган. Учрашувда Президент Ислом Каримов меҳмонни юксак лавозимга сайлангани билан қутлар экан, тажрибали мутахассис ва нуфузли арбоб саналадиган Ли Чонг-Вук раҳбарлигида ЖССТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайишига умид билдирди.

- Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ва кўп қиррали алоқаларида ЖССТ ўзига хос ўрин тутади, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Бунинг боиси шуки, ЖССТ ўз фаолиятига сиёсий тус бермайди, аниқ ва зарур ёрдамни аямайди.

1948 йилда ташкил этилган мазкур халқаро ташкилот соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича БМТнинг бош институти ҳисобланади. У ўз фаолияти давомида икки тарихий ютуқнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлди - 1980 йилда жаҳонда чечакни бартараф этишга эришилди, 1994 йилда Америка қитъасида полиомиелит касаллигига барҳам берилди. Бу 2000 йил охиригача дунёда мазкур касалликдан қутулиш вазифасини адо этиш борасидаги дастлабки қадам эди.

Ўзбекистон 1992 йили ушбу ташкилотга аъзо бўлган. 1994 йилдан Тошкентда ЖССТнинг Мувофиқлаштириш ва алоқалар бўйича бюроси фаолият кўрсата бошлади. 2001 йили эса бюро ваколатхонага айлантирилди.

Мамлакатимизнинг ЖССТ билан ҳамкорлиги бир неча муҳим йўналишларни қамрайди. Улар орасида силни назорат қилиш стратегиясининг ижроси, ОИТСнинг олдини олиш, наркотик моддалар ҳамда тамаки назорати бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш, врачлар ва ҳамшираларни умумий амалиётга ўқитиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби соҳаларни таъкидлаш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда донор мамлакатлар ҳисобидан ЖССТнинг бир неча лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг уч туманида бирламчи тиббий-санитария хизматини мустаҳкамлаш ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасига (қиймати 610 минг АҚШ доллари) Белгиянинг, самарали перинатал ёрдамни ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳасига (100 минг доллар) Италиянинг молиявий ёрдами жалб этилган. Жами беш лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда силга қарши кураш дастури ҳаётга изчил жорий қилинмоқда. Ҳозир мамлакатимиз аҳолиси ЖССТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган Силнинг қисқа муддатли кимёвий терапияси дастури доирасида ушбу хасталикни замонавий ва самарали услубда даволаш имкониятидан фойдаланмоқда. Ташкилот кўмаги билан Тошкентдаги фтизиатрия ва пулмонология илмий тадқиқот институти ҳузурида силни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилган.

ЖССТ Л.Исаев номидаги Самарқанд тиббий паразитология институтига ҳам молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи муҳокама қилиниб, барча амалга оширилажак лойиҳалар борасида атрофлича фикр алмашилди, томонлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ривожининг истиқболли йўналишларини белгилаш, айрим мамлакатлар ё минтақалардаги муаммоларга ечим топишга кўмаклашиш борасида ЖССТ мувофиқлаштирувчи ва ўзига хос бошқарув маркази бўлиши керак. Ўзбекистон томонининг нуқтаи назарига кўра, ЖССТнинг мавқеини янада ошириш ва ваколатларини кенгайтириш вақти келди.

Чунки, айрим мамлакатлар ўз ҳудудида юқумли касаллик пайдо бўлганини ва унинг қўшни ўлкаларга тарқалиши эҳтимолини била туриб, бу ҳақда уларни расмий огоҳлантирмаслиги ҳолатлари кузатилган. Бунинг хавфи нечоғли катта эканини Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Амударё ва Сирдарёдан миллионлаб одам сув ичади. Миллионлаб гектар экин майдонларини ҳам бу икки дарёсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай шароитда бирор жойда чиққан юқумли касаллик дарҳол назорат остига олинмаса, у жуда осон ва тез тарқалади. Шу боис ЖССТга бундай ҳодисаларни текшириш ва суриштириш ваколатини бериш зарурати бор.

Мамлакатимиз раҳбари ўта хавфли юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишини доимий мониторинг ва назорат қилиб боришнинг энг самарали чораларидан бири Эпидемия ва эпизоотиялар назорати бўйича минтақавий марказ тузиш эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистон ўз ҳудудида шундай марказни жойлаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ли Чонг-Вук Ўзбекистон Президентига самимий қабул ва амалий таклифлари учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз томонидан тиббиёт муассасаларини ускуналар ва дори-дармон билан таъминлаш дастури ижроси учун 40 миллион АҚШ доллари ҳажмида ёрдам сўраб, Глобал жамғармага берилган мурожаатни ЖССТ қўллаб-қувватлашини айтди.

ЖССТ Бош директорининг Олий Мажлис Раиси Э.Халилов билан учрашувида ҳам Ўзбекистон ва ЖССТ ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, Ли Чонг-Вукнинг мазкур ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Меҳмон юртимизда соғлиқни сақлаш борасида қабул қилинган қонунлар билан яқиндан танишди.

ЖССТ делегацияси Нукусда «DOTS+» лойиҳаси асосида фойдаланишга топширилган 2-республика сил касалликларига қарши кураш диспансерининг очилиш маросимида иштирок этди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, эллик ўринли шифохонада янгича даволаш усуллари жорий қилиниб, дори-дармон тўла Medecins Sans Frontieres (Чегара билмас шифокорлар) халқаро ташкилоти томонидан таъминланади. Бу ерда маҳаллий шифокорлар билан бирга чет эллик мутахассислар ҳам хизмат қилади.

- Мамлакатингизда экологик вазиятни барқарорлаштириш, одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кишини қувонтиради, - деди Ли Чонг-Вук журналистлар билан суҳбатда.

Ли Чонг-Вукнинг ташрифи Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатиб, ҳамкорликнинг янги-янги йўналишларини очишга имкон яратади.

(ЎзА)

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Тошкентда "Сен ёлғиз эмассан" республика ижтимоий жамғармаси томонидан хайрия тадбири ўтказилмоқда. Унда жанубий кореялик мутахассислар болалардаги туғма нуқсонларнинг пластик жарроҳлиги бўйича муолажаларни амалга оширмоқда.

"Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси томонидан меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига нафақат моддий ёрдам кўрсатилмоқда, балки уларнинг саломатлигини тиклаш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жамғарма томонидан нуқсонли туғилган болаларга малакали жарроҳлик муолажаларини амалга ошириш учун Жанубий Кореядан етакчи мутахассислар таклиф этилди.

- Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кореялик мутахассислар билан ҳамкорлиги бугун бошлангани йўқ, - деди Бош шифокор ўринбосари Тўлқин Ҳожиев "Туркистон-пресс" мухбирига.- Бундан тўрт йил аввал клиникага кореялик жарроҳлар келиб турли нуқсонли болаларни даволашганди. Шундан буён биргаликда мураккаб жарроҳлик ишларини амалга ошириш ҳар икки мамлакат олимлари учун анъанага айланди.

Бир ҳафта давомида 20 дан ортиқ ногирон болалар етакчи жарроҳлар ёрдами билан ўз туғма нуқсонларидан халос бўладилар. Бундай муолажалар фақат пойтахт шифохоналарида эмас, балки вилоятларда ҳам ўтказилади.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТЕРРОРЧИЛАРГА ҚАРШИ ЯНГИ ТИЗИЛМА

АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд янги ташаббус билан чиқди. У мудофаа вазирлигининг юқори мартабали амалдорларига йўллаган хизматномасида халқаро терроризмга қарши кураш айни пайтда лозим даражада олиб борилмаётир, дейилади. Д.Рамсфелд фикрича, бу вазифанинг уддасидан чиқиш учун янги тизилма тузиш мақсадга мувофиқдир. Унинг асосий вазифаси фақат террорчиликка қарши фаолият бўлади. Бу ишни тезлаштириш мазкур жабҳада йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ БИРИНЧИ ЎРИНДА

Маълумки, порнографик филмлар, зўравонлик, босқинчилик, қотиллик билан боғлиқ асарлар фуқаролар хулқ-атворига, айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода Францияда кейинги кунларда амалга оширилаётган чеклашлар одамларга маъқул тушди. Бунинг учун барча кабелли ва самовий йўлдошлар билан боғлиқ каналлар ўзларининг қабул қилиш йўлларини икки калитли кодлар билан жиҳозлашлари керак бўлди. Лозим кодлар маълум томошабинларга берилади, 18 ёшга етмаганлар бундан маҳрум бўладилар.

СТАНЦИЯДА НИМА ГАП?

Кейинги кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари коинотда сузиб юрган халқаро фазовий станциядаги вазиятга алоҳида эътибор бера бошладилар.Хабар қилишларича, станциядаги космонавтларнинг ҳаёти хавф остида қолган эмиш. Чунки, ҳавони назорат қиладиган асбоблар ишдан чиқибди. Бундан ташқари экипаж аъзолари машқ қиладиган тренажёрлар сина бошлабди. Ассошиэйтед Пресс ахборот агентлигининг хабарига қараганда, бу ҳолат фазогирлар жисмида ўзгаришлар қилиши мумкин. Боз устига ХКС ичидаги радиацияни ўлчовчи дозиметр ҳам ишламаяпти. Хўш, чиндан ҳам шундайми? Фазогирлар билан куни-кеча бўлган телеконференция пайтида экипаж аъзолари – А.Калери, Э.Лу, М.Фоэл, П.Дукэ, Ю.Маленченколар юқоридаги гапларни курақда турмайдиган миш-мишлар, деб баҳоладилар. Бир неча кундан сўнг миш-миш тарқатувчилар шарманда бўладилар, деди НАСА раҳбари Шон Оъкиф.

ҚУЁШНИНГ «ЖАҲЛИ» ЧИҚДИ

Қуёш фаоллигининг ошиши кўнгилсиз жараёнларга сабаб бўлиши мумкин. Ўтган жума куни шундай ҳолат рўй берди. Камдан-кам учрайдиган магнит бўрони содир бўлди. Британия уммоншунослик ва атроф-муҳит миллий бошқармаси ходимларининг айтишича, «қуёш хуружи» инсонлар саломатлигига ёмон таъсир қилди, ҳатто, электр асбоб-ускуналари ва самовий сунъий йўлдошлар билан алоқа қилиш тизилмаларига ҳам зиён етказди. Ушбу онларда инфаркт, инсульт, қон босими, юрак-томир хасталиклари кучайди. Бундай пайтда аъзойи бадан осойишта қилувчи мелатонин моддасини кам, асабийлаштирадиган, юракни сиқадиган адреналин ва кортизол моддаларини кўплаб ишлаб чиқаради. Шифокорлар мана шундай пайтларда меъёрида банан, олма, анжир ейиш, янток, валериан, ялпиз қайнатмаларини истеъмол қилиш фойда беради, деб ҳисобламоқдалар.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Олот туманида ўсмирлар ва қизлар ўртасида дзюдо бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 430 нафар ёш спортчи гиламга чиқди.

БУХОРОНИНГ ЙИГИРМА БИР МЕДАЛИ

Олотдаги 7-олимпия заҳиралари мактаб-интернати ўқувчилари Э.Қаршиев, Ш.Умурзоқов, Э.Очилов, А.Шарипов, шунингдек, Тошкент вилояти вакиллари С.Азимов, Ш.Турсунов, жиззахлик Ш.Ҳамдамов, самарқандлик А.Бабаян рақибларини мағлуб этиб, олтин медал соҳиби бўлди.

Қизлар ўртасидаги баҳслар ҳам қизиқарли кечди. Шиддатли беллашувлар сўнгида самарқандлик Д.Ибрагимова, М.Рўзиқулова, тошкентлик А.Мўйдинова, Б.Истамқулова, Т.Карикова, жиззахлик Н.Абдураҳмонова, хоразмлик С.Собирова шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Жами йигирма бир медал жамғарган бухороликлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Тошкент ва Самарқанд вилояти вакилларига иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди.

(ЎзА)

Ислоҳот мевалари

Қашқадарё заминида Мустақиллик йилларида нефт-газ саноатини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Янги-янги қувватлар ишга туширилянти.

ЧЎЛ БАҒРИДА ЧИРОҚЛАР ПОРЛАДИ

Корхона бош муҳандиси Илҳом Норчаевни асосий иншоотда учратдик. Тажрибали мутахассис янги ускуналарнинг иш маромини оҳиста кузатиб юрарди.

– Қурилмалар панд бераётгани йўқ, – дейди бош муҳандис қувончини яшира олмай. – Газ ҳайдаш иншоотининг қурилиши корхонамиз иқтисодий салоҳиятини ошишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Тўғри, ер қаъридаги бойликлар ҳисоб-китобли. Вақт ўтиши билан табиий ресурслар камаяди. Шўртан конларидаги айрим қудуқларда газ босимининг пасайиб кетганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди. Юксак қатъиятлилик, аниқ мақсад сари интилиш туфайли ушбу муаммо ўз ечимини топди. «Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонасида бунёд этилган юқори босимли компрессор станцияси республикамиздаги йирик иншоотлардан. Мазкур станциянинг қурилиши мавжуд 129 та қудуқнинг бир маромда ишлаши учун замин яратди. Шунингдек, улардан фойдаланиш муддатини 20-25 йилгача узайтириш имконини берди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг ва Исроилнинг «Bateman Projects LTD» компанияси билан ҳамкорликда қурилган ушбу станция бош иншоотга йилига 13,5 миллиард кубометр ҳажмдаги газни ҳайдаб бериш қувватига эга. Айни пайтда станциядаги кириш босимини юз атмосферага кўтариб бериш ва шу ҳисобдан газ қазиб олишни бир маромда сақлаб туриш имконияти яратилди.

Бундан 3 йил муқаддам республикамиз ҳукуматининг қарорига мувофиқ Шўртан конида компрессор станциясини қуриш ҳамда ускуналаш бўйича исроиллик ҳамкорлар билан шартнома имзоланган эди. Шартномага асосан хорижий кредитлар бўйича АБН «Амробанк» ва Исроилнинг «ХАПОалим» банкларида умумий қиймати 195,41 миллион АҚШ доллари миқдорида учта кредит линияси очилди. 2001 йилнинг бошида шуъба корхонаси ҳудудидан 9,6 гектар ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари бошланди. Иншоотни бунёд этиш учун хорижий инвестиция ҳисобидан 194,4 миллион АҚШ доллари миқдорида иш бажарилди. «Ўзнефтгазишлабчиқариш» акционерлик компаниясининг буюртмасига биноан бош пудратчи «Ўзнефтгазқурилиш» ҳиссадорлик компаниясининг «Бухорогазсаноатқурилиш», «Муборакнефтгазмонтаж», «Тошкентнефтгазқурилиш», «Ўзбекэнерго», «Газэнергосервис», «Қаршисувқурилиш» сингари ташкилотларнинг жамоа аъзолари сидқидилдан меҳнат қилдилар.

— Бозор инфратузилмасига хориж инвестициясини кўпроқ жалб этиш орқали экспорт имкониятини ошириш макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омилларидан бири, – дейди биз билан суҳбатда «Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонаси директори, Олий Мажлис депутати Олим Муродов. – Шунинг учун ҳам жамоамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун инвестицияга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Корхонада ҳар бир механизм фаолияти бир-бири билан боғлиқ. Қайта ишлаш қурилмаларининг белгиланган режим асосида фаолият кўрсатиши учун келаётган газ босими 100 атмосферадан кам бўлмаслиги зарур. Режим бузилса, қурилма тўла қувват билан ишлай олмайди. Оқибатда маҳсулот сифати бузилиб, белгиланганидан кам миқдорда конденсат ажратиб олинади.

Жамоа аъзоларининг унумли ишлаши ҳамда дам олиши учун барча қулайликлар яратилган. Корхона ҳудудида катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилган. Айни пайтда чет эл сармояси киритилган хайрли ишлар давом этмоқда. Ҳисоролди минтақасидаги нефт-газ конларида қидирув ишлари олиб бориш ҳамда қазиб олиш бўйича «ЎзПЕК Лимитед» Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси ва Хитойнинг «Centiry CHANNEL Limited» компанияси билан олтингугурт маҳсулотини сотиш бўйича тузилган шартномалар мамлакатимиз нефт-газ тармоғи иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

ИНСТИТУТ ТАШАББУСИ

Дарча қаршисида турган оқ халатли дилкаш ошпазлар — Ҳабибулло Абдураҳмонов, Набижон Файзуллаевларнинг қўли-қўлига тегмайди. Навбат билан келаётган талабаларга нонушта учун 4 донадан билқилдоқ пирожки, бир жуфтдан иссиқ нон улашмоқдалар. Албатта, дўстлар даврасида нонушта қилишга нима етсин.

Тушликда ҳам маъмурият билан касабақўм ҳисобидан – бепул иссиқ овқат дастурхонга тортилади.

Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг дам олиши, даволаниши, хуллас сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш маъмурият ва касабақўмнинг диққат марказида. Олийгоҳ ҳузуридаги клиник шифохонада беморлар текин доридармон билан таъминланадилар. Чунки жамоа аъзоларининг ижтимоий ҳимояси жамоа шартномасининг алоҳида бандлари билан кафолатланган.

Жорий йилда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ихтиёридаги «Шифокор» оромгоҳида ходимларнинг 30 нафар фарзанди тоза ҳаво, тиниқ сувдан баҳра олиб, ёзги таътилни мароқ билан ўтказди. Юқорида тилга олинган клиник шифохонада 25 нафар талаба дардига даво топди. Ушбу клиниканинг сув билан муолажа қилиш бўлими ҳам ўқитувчи ва талабалар хизматида.

Андижон Давлат тиббиёт институти бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб фаолият юритаётган олийгоҳлардан биридир. Ёрдамчи хўжалик асосида иш юритишнинг нафи катта бўлаётир. Улуғнор туманидаги ижара ерларидан жорий йилнинг ўзида 44 тонна буғдой етиштирилди. Паррандачилик хўжалиги тобора ривож топмоқда. Буғдой ҳосилидан ун тортилиб, талабаларга нон ёпиб берилмоқда. Паррандалар парваришидан олинаётган гўшт маҳсулотлари, тухум туфайли олийгоҳ ошхонаси таъминотида узилиш бўлмаяпти.

Аҳамиятлиси, ортиқча озиқ-овқат маҳсулотлари камхарж талаба ва ўқитувчилар, ночор оилалар ижтимоий ҳимоясига йўналтирилмоқда. Шаҳардаги «Мурувват уйи» тарбияланувчилари олийгоҳ томонидан оталиққа олинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳар чоракда бир марта бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур пайтда дори-дармонлар етказиб бериляпти. «Хутанариқ», «Майдонбозори» даҳаларида меҳр-мурувват кунлари ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бу тадбирлардан кўзланган мақсад бўлажак шифокорларда биринчи галда инсонпарварлик қадриятларини сингдириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдир.

Дарс жараёнида компьютерлардан, видеоиккиликлардан, аудиомагнитафон ва бошқа техника воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Масофадан ўқитиш тизими ривожланмоқда. Жарроҳлик кафедрасидаги операция жараёни махсус камера орқали машғулот хонасига узатилганлиги боис талабалар жарроҳ билан бевосита мулоқот қилишга муваффақ бўлмоқдалар. Интернет маркази билан уланиш билимларни чуқурлаштиришда муҳим рол ўйнамоқда. Дарслар лазер дискеталар ёрдамидаги ўқитиш ва назорат қилиш усулида олиб борилмоқда. Натижада иқтидорли талабалар сафи кенгайиб бормоқда.

Тиббиёт илми соғлиқни сақлаш тизимидаги жаҳон андозаларига мувофиқлаштирилганда ривожланишда бўлади. Олийгоҳнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, нуфузли халқаро ташкилотлар – ЮСАИД, ЮНИСЕФ билан илмий-амалий ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда. «Здрав Плюс» лойиҳаси асосида «Болалар ёшидаги касалликлар интеграциялашган усулини ўрганиш» дастурини амалга оширишда институт жамоаси фаол қатнашмоқда. Яқинда мазкур дастурни амалиётга татбиқ этиш мақсадида олийгоҳда 110 соатлик ўқув машғулотлари ташкил қилинди. Машғулотларда илмий-биологик, клиник фанлар ўқитилиши, юқумли касалликларни даволаш методикаси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби тиббий билимларни чуқурлаштиришга жиддий аҳамият берилмоқда.

Институт жамоасининг вилоятдаги оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишдаги ташкилотчилик ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Бевосита олийгоҳ ташаббуси билан Андижон шаҳридаги тиббиёт коллежида касалликлар диагностикаси бўйича янги кафедра очилиб, унга 7 нафар профессор ишга юборилди. Хўжаобод туманидаги тиббиёт коллежида ҳам анатомия кафедраси иш бошлаб, унга етук мутахассис кадрлар жалб этилди. Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги коллежларда яқинда иш бошлаган тренинг синфларда институт профессор-ўқитувчилари иштирокида эндокрин, саратон, руҳий хасталиклар, диагностикаси бўйича илмий-амалий анжуманлар ўтказилди.

Тиббиёт институти янги педагогик технология асосида ўқитиш, ички касалликларни даволаш ишларини такомиллаштириш, илмий педагогик кадрларни тайёрлашда республикада таянч олийгоҳ саналади. Айни кунларда 54 нафар фан доктори, 180 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Улар чуқур илмий изланишлар билан мамлакатимизнинг улкан интеллектуал салоҳиятига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Олимлар томонидан тиббиёт фанининг турли йўналишлари, касалликларни даволаш ва олдини олиш юзасидан 20 та монография, 200 дан ортиқ ўқув ва илмий қўлланмалар чоп этилган, 220 та ихтирочилик таклифлари киритилган, 21 та илмий кашфиётлар учун патент олинган.

Бажарилаётан илмий тадқиқот ишлари тажрибасини амалиётга татбиқ этишга қаратилган, хорижий олимлар иштирокида 2003 йилнинг ўзида олийгоҳ базасида 4 та республика илмий-амалий анжуман уюштирилди. Тажриба алмашиш, малака ошириш, илмий ҳамкорлик қилиш учун 10 нафар ходим яқинда Англия, Исроил, Дания, Голландия мамлакатларида бўлиб қайтдилар.

Бу саъй-ҳаракатлар, изланишлар, фидойиликларнинг барчаси ягона мақсадга – ёш авлодни соғлом, зукко, комил инсонлар қилиб вояга етказишга йўналтирилмоқда.

С.СОБИРОВ

Бухгалтер ҳисоботи соҳасида халқаро андозалар талабларига жавоб берувчи йигирма нафар ўзбек мутахассислари "Халқаро амалиётчи бухгалтер - Certified Accounting Practitioner" сертификатларига эга бўлишди. "Прагма" корпорациясидан маълум қилишларича, Ўзбекистонда бундай сертификатлар жами 146 нафар бухгалтерга берилган.

ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРЛАР

Мазкур малакага эга бўлиш учун даъвогарлар Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) таълим андозаларига асосланган ва БМТ савдо ва тараққиёт ўқув дастурига мос келувчи учта касбий курсни битиришлари лозим бўлади.

Касбий сертификациялаш дастури (CIPA -EN) АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилади. Ушбу дастур Марказий Осиё, Россия ва Украинада тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаси доирасида "Прагма" корпорацияси томонидан амалга оширилади. Дастур бухгалтер ҳисоботи, андозалари ва қонунчиликнинг халқаро ва миллий асослари уйғунлашувига қурилган.

"Туркистон-пресс"

Истеъмолчи манфаати муқаддас

БОЗОР

турмушимиз мезони

Истеъмолчи ҳуқуқи қонун ҳимоясида. Аммо бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, бозорларда қонун устуворлигини таъминлаш осон кечмаяпти.

Сир эмас, бундан бир неча ойлар илгари Гулистон шаҳар деҳқон бозори ҳам бу қусурлардан ҳоли эмасди. Боз устига, 31,5 миллион сўмдан ошиқ кредиторлик қарзи бозор оёғига тушов бўлиб ётганди. Бу каби муаммоларни бартараф этиш, қолаверса, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш осон кечмади. Ташаббускор, ишчан ходимларнинг жалб этилиши муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилди. Янги раҳбар Ўрол Маматқулов ташаббуси билан қарийб 3 миллион сўмлик давлат талабларига жавоб бера оладиган тарозилар харид қилинди. 6 та жойга назорат тарозилари ўрнатилди. Олибсотарлар пайини қирқиш мақсадида махсус комиссия тузилиб, сотувчилар фаолиятини кузатиш вазифаси юклатилди.

Бир кунлик тушум 35-40 мингдан 400 минг сўмгача етказилди. Даромадга қараб буромад деганларидек, қарзга ботган бозор фойда билан ишлашга ўтди. Ходимлар моддий манфаатдорлиги ошди. Ҳар бир ишловчининг ойлик маоши ўртача 35 фоизгача оширилди. Бу эса тушумга кўз олайтириш, яшириш каби салбий ҳолатларга барҳам берди.

– Иш бошлаганимда биргина иш ҳақидан қарздорлик 1,5 миллион сўмдан ошиқ экан, – дейди Ўрол Маматқулов. – Маош миқдори кескин оширилиб, мукофот ва моддий ёрдам пуллари бериш йўлга қўйилди. Ҳар бир ходимнинг меҳнатига яраша ҳақ олиши кафолатланди.

Дарвоқе, бозор ҳудудини ободонлаштириш, сотувчию харидорларга қулай шароит яратишга ҳам жиддий киришилди. 150 тонна асфальт ётқизилди. Қўшимча 120 та савдо ўринлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Барча савдо дўконларига ёрлиқ ва иш режимлари ўрнатилди. Шунингдек, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида бозорда мини-банк очилди. Ҳозирда 120 дан ошиқ тадбиркор бу қулайликдан фойдаланаётир.

– Мини-банкдан ҳисоб рақами очганимиз қўл келяпти, – дейди тадбиркор Алишер Ғайбуллаев. – Бозорнинг ўзида тушумни топширамиз. Лозим бўлганида пул ўтказиш ва бошқа банк операцияларини бажаряпмиз.

Сир эмас, илгарилари маҳсулотларнинг аксар қисми олибсотарларга «ем бўларди». Тартиб кучайтирилгач эса бу бошбошдоқликлар барҳам топди. Бозордаги шароитни янада яхшилаш борасида изланишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ҳудудни кенгайтириш мақсадида 2,2 гектар жой ажратилиб, лойиҳалаш ва текислаш ишлари олиб бориляпти. Бу ерда истеъмолчиларга катта имкониятлар туғдирадиган шоҳбекат қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, ёпиқ турдаги автомобиллар сақлаш айвончаси қурилишига ҳам ҳозирлик кўрилмоқда.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ибрат



МУАЛЛИМ ЭККАН ТЕРАКЛАР

Замон Қурбонов умрининг салкам ўттиз йилини ўқитувчиликка бахшида этди. У Дўстлик туманидаги Мамажон Дадажонов номли 4-умумий ўрта таълим мактабида ёшларга меҳнат таълими фанидан сабоқ берди.

Ўтган йили у қарилик нафақасига чиқса-да, бекор ўтиролмади. Тер тўкиб ажойиб боғ яратди, теракзор барпо этди. Ҳозирда томорқасида 5 минг туп терак, 160 туп мевали дарахт кўчатлари экиб, парвариш қилмоқда.

- Ниятларим катта. Тераклар иморатбоп бўлганида мактаб қурмоқчиман, - дейди муаллим.

Б. НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

АЛОҚА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида Транс Осиё-Европа оптик-толали алоқа линиясининг бошқарув қўмитаси ўз ишини бошлади. Унда кўплаб хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда уч кун давомида Транс Осиё-Европа алоқа линиясидан фойдаланувчи мамлакатларнинг тариф сиёсати, чегарадош участкаларда заҳира қилиб қўйиш ва магистрал ишининг сифатини таъминлаш масалалари кўриб чиқилади.

Шуни айтиш керакки, мазкур магистрал Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон, Туркия, Руминия, Украина, Польша, Венгрия, Австрия ҳамда Германия орқали ўтган ва Франкфурт, Шанхай шаҳарларини боғлаб туради.

Транс Осиё-Европа алоқа линияси бошқарув қўмитасининг бу галги йиғилиши алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, бундан ўн йил аввал, яъни 1993 йилнинг июнида лойиҳанинг иштирокчи-давлатлари маъмурияти раҳбарлари вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида Транс Осиё-Европа алоқа линияси Бошқарув қўмитаси таъсис этилган эди.

(ЎзА)

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, хусусан, тадбиркорликни ривожлантиришда «Бизнес-Фонд» бошқармалари муҳим рол ўйнамоқда. Жумладан, Навоий вилоят «Бизнес-Фонд» бошқармаси томонидан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур кредит маблағлари ажратиляпти.

«БИЗНЕС-ФОНД»

тадбиркорга мададкор

Бошқарма томонидан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурга кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур субъектларни 228,2 миллион сўмлик молиявий қўллаб-қувватлашга эришилди. Бу режага нисбатан 169 фоизни ташкил этди, демакдир. Қайд этилган сумманинг 100,6 миллион сўми кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларининг бошланғич сармояларини шакллантиришга йўналтирилган бўлса, 95,5 миллион сўми эса имтиёзли кредит сифатида ажратилди.

Маълумки, лизинг ишлаб чиқаришда муҳим рол ўйнайди. Шу сабаб «Бизнес-Фонд» бошқармаси бу борадаги ишларни кескин фаоллаштириб, биринчи ярим йилликда режалаштирилган 10 миллион сўм ўрнига 32,1 миллион сўмлик кичик ҳажмдаги технологиялар ва асбоб-ускуналарни тадбиркорларга лизинг асосида ажратди. Умуман, ажратилган кредитлар ва лизинг натижасида 841 та янги иш ўрни очилишига эришилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари раҳбарларини ўқитиш, уларга ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. «Бизнес-Фонд» бошқармаси ҳузурида ташкил этилган Ахборот-консалтинг маркази томонидан ушбу йўналиш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Жумладан, 123 та тадбиркорлик субъекти раҳбарлари қисқа курсларда ўқитилди. 93 нафар тадбиркорга бошланғич ва имтиёзли кредитлар олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар дастасини тайёрлашга кўмаклашилди.

Ажратилган кредитлар эвазига тадбиркорларнинг асосий қисми қишлоқ ва халқ хўжалиги, маиший хизмат ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида ўз ишларини йўлга қўйдилар. Айни кунларда улар томонидан аҳоли эҳтиёжларига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мисол учун, Қизилтепа туманидаги «Зилола» жамоа корхонаси 6 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи олиб, аҳолига йилига 263 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатиш ва қурилиш ишларини амалга оширмоқда. Хатирчи туманидаги «Ассалом» фермер хўжалиги эса 8,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда 25,6 миллион сўмлик томат пасталари ишлаб чиқарилмоқда.

— Асосий вазифамиз кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан иборатдир, — дейди вилоят «Бизнес-Фонд» бошқармаси бошлиғи Даврон Шарипов. — Шуни назарда тутиб, тадбиркорларни маънавий, итисодий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли тадбирлар асосида иш олиб бораяпмиз. Кредит олиш шартлари ва масъулияти, тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларни чет эл бозорига олиб чиқиш, хорижнинг илғор техникаси ва технологияларини олиб келиш кабилар шулар жумласидандир. Зеро, тадбиркорлар синфи эртанги кунимиз, келажагимизнинг уфқини белгилайди.

А.НОРБОЕВ

ГРАНТ АЖРАТИЛДИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари «Экологик тоза пахта заводи» лойиҳасини амалга ошириш устида иш олиб бормоқда. Мавзунинг долзарблигини инобатга олган Республика фан ва технологиялар маркази олий ўқув юртининг меҳнат муҳофазаси кафедрасига бир неча миллион сўмлик грант ажратди.

Олимларнинг таъкидлашича, грант уч йилга мўлжалланган бўлса-да, ҳозирданоқ бир мунча натижа қўлга киритилган. Жумладан, чангли ҳавони тозаловчи қурилма яратилди. Сирдарё вилоятининг «Дўстлик» пахта тозалаш заводи билан тузилган шартнома асосида юзага келган бу техник мослама туфайли кафедра ярим миллион сўмдан зиёд фойда кўрди.

(ЎзА)

Вазирлар Маҳкамасининг қарори дастуриламал

«Пахта хомашёсини ўғирлаш ва талон-торож қилиш ҳолларининг тез-тез учраётганлиги, уни республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринишлар жиддий зарар келтирмоқда. Йиғиб олинган пахта хомашёси ҳосилининг, кейинчалик уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш ва сотиш мақсадида хусусий уйларда, ҳовлиларда яшириш ҳоллари ушбу қонунбузилишларини келтириб чиқараётган сабаблардан биридир»

(Вазирлар Маҳкамаси қароридан)

МАНСАБНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ, КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

каби иллатларга қарши муросасиз курашайлик

Пахта халқимиз бебаҳо бойлиги, иқтисодиётимизни юксалтиришнинг қудратли омили. Қадоққўл деҳқонларимиз заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни нестнобуд қилмай йиғиштириб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш ишларини намунали ташкил этиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Бироқ шундай бўлса-да, Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил ҳосили пахта хомашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, фермерлар, пудратчилар ва теримчилар томонидан пахта хомашёсини қабул пунктларига ўз вақтида топширмаслик, ҳосилнинг мослаштирилмаган жойларда сақланиши, пахта майдонларининг пайҳон қилиниши натижасида кўплаб ҳосилнинг йўқотилишига йўл қўйилмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, баъзи хўжаликларнинг раҳбару мутахассислари назоратни бўшаштириб юборганликлари, улар ҳосилни сақлаш муаммоларидан ўзларини четга олаётганликлари қимматга тушмоқда. Наманган вилоят прокуратураси ушбу қарор юзасидан тадбирлар белгилаб, уни изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда прокурорлик назорати ўрнатилиб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари жонлантирилмоқда.

Қонунбузарлик ҳолатлари қайта такрорланмаслиги, йиғим-терим ишлари уюшқоқлик вазиятида, юксак сафарбарлик таъминланган ҳолда ўтказилишига эришиш учун аввалги сабоқлардан тўғри хулоса чиқариш ғоятда муҳимдир. Шу маънода ўтган йили хўжаликларнинг раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг мутасаддилари томонидан йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратайлик. Вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Ирановнинг таъкидлашича, назоратнинг сустлигидан фойдаланган, нафси ҳакалак отган баъзи кимсалар ажабтовур ишларга қўл уришган. Жумладан, А.Шамсиддинов номли ширкат хўжалиги раҳбарлари мавсумда ҳосил йиғим-теримида иштирок этган теримчиларнинг 13 миллион сўм миқдордаги ҳақини вақтида беришни «пайсал»га солишган. Меҳнаткашларнинг иқтисодий манфаатига зиён етказган хўжалик бош ҳисобчисига нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан иш қўзғатилиб, муносиб жазо чораси қўлланилди.

Шундай устамонлар борки, улар имкониятдан фойдаланиб қолиш, шахсий бойлик ортириш учун ҳеч нарсадан тап тортишмайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида 2002 йилда етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги қабул қилиш масканларига топширилиши синчковлик билан таҳлил қилинганида ташвишли манзара намоён бўлди. Яъни, айрим мансабдор шахслар ўз ваколатини суиистеъмол қилиб, сохта ҳужжатлар орқали халқимиз ризқ-рўзи, бебаҳо бойлиги бўлмиш пахта ҳосилини талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш каби ярамас ишлар билан машғул бўлишган. Текширишларда Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Учқўрғон, Уйчи ва бошқа қатор туманларда қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги аниқланиб, ғирромлик ҳисобдан чиқарилди.

Қадоққўл деҳқонлар, фидокор теримчилар пахтазорларда сидқидилдан тер тўкиб, элим, юртим деб ишласалару кимлардир кўпнинг ризқини ўмармоқчи бўлса. Ана шундайлардан бири Алишер Юнусов бўлиб чиқди. У 10 тонна юқори навли пахта толасини нотўғри ҳужжатлаштириб, Россия Федерациясига қонунга хилоф равишда чиқариб юборган. Суриштирув жараёнида «Наманган - 3» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ёрдамчи товаршуноси Воҳид Қаҳҳоров ҳам жиноий гуруҳ аъзоси эканлиги маълум бўлди. Айбдорларга нисбатан муносиб чора кўрилди.

«Чуст» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишдан сўнг ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Боиси, Ҳошимжон Тожибоев ва Обиджон Юлдашевлар жавобгарлигида бўлган 436 тонна техник чигит инвентаризациядан ўқазилганида унинг 426 тоннаси ёки 5 миллион 696 минг 680 сўмлик моддий бойлик ўзлаштирилганлиги очилиб қолди...

Ҳозирги кунда вилоят хўжаликларида тарғибот-ташвиқот ишлари имкон қадар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хомашёнинг тўлиқ ва узлуксиз топширилиши, унинг зарур даражада сақланиши юзасидан тадбирлар амалга оширилмоқда. Терилган пахта хомашёсининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган жойларда, шу жумладан, хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланиши қатъиян тақиқланган. Айни пайтда баъзи хўжаликларда техникалар мавсумга пухта шай этилмаганлиги, ҳашарчилар учун ажратилган жойларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, «дур» йиғиштираётганларни иссиқ овқат билан таъминлашда узилишлар бўлаётганлиги таъкидланиб, мутасадди раҳбару мутахассислар олдига қатъий талаблар қўйилди.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ЮНЕСКО ВАКИЛИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси таълим ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилоти (Education International) билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, биргаликда таълимнинг самарадорлигини оширишга оид тадбирлар ўтказа бошлади.

Таълим ходимлари касаба уюшмаси Халқаро ташкилоти ўқитувчиларнинг энг йирик уюшмаси ҳисобланиб, 1993 йилда ташкил топган. Айни пайтда ушбу ташкилот 160 мамлакатдаги 313 миллий ташкилотни бирлаштириб, 26 миллиондан зиёд аъзога эга.

Шуниси эътиборга сазоворки, таълим ходимлари касаба уюшмаси Халқаро ташкилоти (Education International) томонидан ўтказилган анжуманлар халқаро тажриба алмашинуви, давлатлар учун умумий бўлган таълим соҳасидаги муаммоларнинг ечимини топиш ва ҳал этиш, Дакарда қабул қилинган «Таълим ҳамма учун» дастури вазифаларининг миллий миқёсда татбиқ этилиши учун касаба уюшма раҳбарларининг билимларини кенгайтириш ҳамда ҳаракатларини фаоллаштиришга қаратилган. Республикамиз таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллари 1997 йил Куала-Лампурда, 2002 йил Олмаотада ўтказилган халқаро семинарларда фаол иштирок этишди.

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси мазкур ташкилотга аъзоликка қабул қилинди.

Бу ҳамкорлик ва келишувга асосан жорий йилнинг 16-18 октябр кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари касаба уюшма ташкилотлари вакиллари учун «Сиёсат ва ижтимоий шерикчиликнинг ўқитувчининг мавқеини оширишдаги роли» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда ЮНЕСКО вакили К.Каримов «Марказий Осиё минтақасида Дакар ҳаракат дастури мақсадлари бўйича қилинган ишлар», Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ва ўрта мактаб муаммолари институти директорининг ўринбосари Р.Файзиев ҳамда Республика Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи А.Колонтаров «Ўзбекистон таълим соҳасидаги сўнгги кўрсаткичлар», Халқаро Таълим Ташкилоти «Education International»нинг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича бош мувофиқлаштирувчиси Э.Мэтьюснинг Халқаро Таълим Ташкилотининг «Таълим ҳамма учун» дастури мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаолияти», Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси З.Қодиров «Ўқитувчиларнинг нуфузи, аҳлоқий сифатлари ва касбий маҳоратларини яхшилаш масалалари» мавзуларда маъруза қилдилар. Ҳар бир маъруза юзасидан қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасидан иштирок этган ҳар бир республика вакилларининг ўз юртларидаги таълим соҳасида кейинги йиллардаги ўзгаришлар ва долзарб муаммолар билан ўртоқлашдилар.

Жорий йилнинг 19-21 октябр кунлари республика касаба уюшмаси фаоллари учун «Бозор иқтисодиёти шароитида таълим ходимлари касаба уюшмасининг роли» мавзуида семинар уюштирилди.

Семинар ишида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ходимлари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри қўмиталари раислари, туманлар, олий ўқув юртлари касаба уюшма фаоллари қатнашдилар.

Семинарда Халқаро Таълим Ташкилотининг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича мувофиқлаштирувчиси Рей Долотнинг тўрт қисмдан иборат «Бозор иқтисодиёти шароитида таълим ходимлари касаба уюшмаларининг роли», «Education International» ва унинг фаолияти», «Касаба уюшмаларининг ташкилий ишлари ва фаолиятини режалаштириш», «Касаба уюшмаси бошқаруви ва қарорлар қабул қилиш» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Жамиятимизга теран фикрловчи, мустақил фаолият кўрсата оладиган ва давр билан ҳамнафас қадам қўядиган зукко ҳамда билимдон кадрлар зарур. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг негизида ҳам ана шу мақсадлар ётади. Бинобарин, бу вазифа таълим муассасалари олдига мураккаб серқирра фаолият юритишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Бу, айниқса, ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Хусусан, Марказий қўмита Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази билан тасарруфдаги таълим муассасалари педагог-ходимлари, профессор-ўқитувчилари, талаба-ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маънавий ҳимояси, уларнинг меҳнат ва таҳсил олиш шароитлари муқобиллиги ва хавфсизлиги, соғломлаштирилиши бўйича тармоқ Келишувларини имзолаган ва шу асосда фаолият олиб бормоқда.

Таълим ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилоти (Education International) билан келишувга асосан ҳамкорликда ўтказилган Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари касаба уюшма ташкилотлари вакиллари иштирокидаги давра суҳбати ва тармоқ касаба уюшмаси фаоллари иштирокидаги семинар таълим тизимида юқоридаги эзгу мақсадларни амалга ошириш, ушбу соҳадаги халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Маҳмуда МУРЗАЕВА,
республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан, маҳаллаларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари белгилаб берилган. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланиши ҳам аниқ равшан кўрсатилган. Буларнинг амалдаги ижроси 1993 йил қабул қилинган ва 1999 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонуности ҳужжатлари бўлди.

Мустақиллик шарофати туфайли бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар тарихи ва ҳозирги кундаги фаолият жараёнлари амалий нуктаи назардан ҳам, илмий назарий жиҳатдан ҳам таҳлилий умумлаштирилиб, теран ўрганилаётир. Шу маънода яқинда чоп этилган юридик фанлари номзоди, доцент Марат ҒУЛОМОВНИНГ «Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси» деб номланган китоби барча учун ғоятда фойдалидир. Муаллиф фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, маҳалланинг демократик, очиқ ва адолатли фуқаролик жамияти тизими сифатидаги назарий мақоми, кечаги ҳамда ҳозирги амалий кўриниши, фаолият доираси ва бошқа томонларини яхлит уйғунликда ўрганган. Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг шаклланиши, ривожи ва ҳозирги сифат даражасини қайт этган, уларнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида белгилаб берган. Маҳалла тизимининг назарий талқини, амалий шакллари, фаолият қўлами ва мезонлари силсиласида ҳозирги истиқлол даври мақоми ҳамда ҳаёти ҳақида илмий хулосалар чиқарилган. Энг муҳими - ўзини ўзи бошқаришдек демократик институтни Ўзбекистонда очиқ, адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш-даги ўрни ва роли таҳлилий умумлаштирилган.

Газетамизнинг мақсад-йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ушбу китобнинг «Жамоатчилик назорати - катта куч» ҳамда «Маҳалла - ахиллик ва меҳр-оқибат маскани» сарлавҳалари остида берилган қисмларини чоп этишга жазм қилдик.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – КАТТА КУЧ

Жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тайёрланган услубий қўлланма ва тавсияларни мавзу ва йўналиш жиҳатидан бир неча туркумга бўлиш мумкин.

Дастлабки туркумни «Икки ёшгача бола парвариши билан банд бўлган оналарга нафақаларнинг тайинланиши ва тўланиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш», «Ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз пенсионерларнинг белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши аҳволи юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид», «Ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик учун пенсияларнинг сунъий тўсиқларсиз ўз вақтида тайинланиши ва ҳисобланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид», «Ногиронликнинг сунъий тўсиқларсиз ўз вақтида тўғри белгиланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид», «Давлат ижтимоий суғуртаси орқали бериладиган нафақалар, уларнинг ўз вақтида тайинланиши ва тўлови устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид», «Аҳолини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш», «Болаликдан ногиронлар, етимлар, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар, ёлғиз пенсионерлар ва айрим турдаги касалликка чалинган шахсларнинг стационар даволанишдаги имтиёзларидан фойдаланишлари аҳволи устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга доир» ва бошқа услубий тавсиялар ташкил этади.

Хўш, ушбу йўналишлар бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг роли қандай? Саволга дастлабки жавобни «Икки ёшгача бола парвариши билан банд бўлган оналарга нафақаларнинг тайинланиши ва тўланиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш юзасидан услубий тавсиялар»идан топамиз.

Маълумки, Республика ҳукумати томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кенг кўламда ва тўлиқ қамраб олинган. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламини аниқ йўналтирилган мадад ёрдами билан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим соҳаларидан бири бу – икки ёшгача бола парвариши билан банд бўлган оналарнинг ижтимоий муҳофазасидир.

Икки ёшгача бола парвариши билан банд бўлган ишловчи оналарга нафақа тайинланиши ва тўлови устидан жамоатчилик назоратини жойларда касаба уюшмалари, фуқаролар йиғинлари, маҳалла ва Хотин-қизлар қўмиталари амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармонга асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 25 январ куни 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Фармон ва қарорни амалда ижро этиш мақсадида Адлия вазирлигидан 2002 йил 14 март куни 1112-сон билан рўйхатга олинган «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳамда шу куни 1113-сон билан рўйхатга олинган «Ишлайдиган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган.

Низомлар талабларига кўра, туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаётган шахс (она, ота, фарзандликка олган шахс, васий ёки бошқа қариндошлари)га нафақа тайинланади ва тўланади.

Нафақа тайинлаш учун корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг қарори, бўйруғи ёки фармойиши, ишламайдиган оналарга эса маҳалла фуқаролар йиғининг қарори асос ҳисобланади.

Ишламайдиган оналарга нафақа тўлаш, қонун билан белгиланган мезонларга кўра, ҳеч қандай шартларсиз болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган она ва отага берилади. Бунда боланинг она (ота) томонидан тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётганлик ҳолати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади.

Ўн икки ой муддатга тайинланадиган нафақани яна давом эттириш учун она нафақани бола икки ёшга тўлгунга қадар узлуксиз тўлашни давом эттириш ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилишга ҳақли.

Маҳаллалар ҳаётининг кундалик тажрибасида ишламайдиган оналарга нафақа тўлашда қатор муаммолар ҳамон учраб туради. Жумладан, менинг ўзим раис (оқсоқол) бўлган Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Аброр Ҳидоятов номли маҳаллада ҳам.

Маълумки, икки ёшгача бола парвариши билан банд бўлган ишламайдиган оналарга нафақа пули бола туғилгандан кейин ариза билан мурожаат қилган ойдан бошлаб тайинланиши кўрсатиб ўтилган.

Лекин аксарият ҳолларда ишламайдиган оналар томонидан ўз ҳуқуқларини, Низом талабларини билмасликлари ҳамда айрим ҳолларда узрли сабаблар билан нафақа тайинлашликни сўраб, бола туғилганидан сўнг 3-4 ой вақт ўтганидан сўнг ариза билан маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат қилишади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш, аёлларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, Хотин-қизлар қўмиталари ҳар ойда ФҲДЁ бўлимидан ўзларининг ҳудудларида яшовчи аёллар томонидан туғилган чақалоқлар рўйхатини, шаҳар Марказий шифохонасининг Аёллар маслаҳатхонаси ва туғруқхоналардан ўзларининг ҳудудларидаги ҳомиладор аёллар ҳақидаги маълумотларни олиб бориши лозим.

Мазкур маълумотлар олинганидан сўнг, маҳалла фуқаролар йиғинига нафақа тайинлашни сўраб, ариза берган аёллар ҳужжати билан солиштирилиши ҳамда фарзанд кўрган, лекин нафақа олиш ҳақида ариза бермаган аёллар аниқланиб, бунинг сабабини, яъни нафақани иш жойидан олаётганлиги ёки умуман, олмаётганлик ҳолатини аниқлаб, нафақа олишда амалий ёрдам бериши керак.

Айрим ҳолларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг бефарқлиги, Низом талабларини яхши билмасликлари оқибатида нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилган ва нафақа тайинланган фуқароларга нафақаларни тўлаш тартиби бузилишига йўл қўйилмоқда. Демак, бу муаммо кўпчилик маҳаллаларда учрайди. Нафақа тайинлашнинг энг мақбул усули устида ўйлаб кўришимиз керак.

Масалан, Марғилон шаҳар, «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғини Чорбоғ кўчаси 44-уйда яшовчи фуқаро Тўраева Дилором 2001 йил 8 июнда туғилган фарзандининг парвариши учун нафақа сўраб 2001 йил 13 августда мурожаат қилган ва унга нафақа тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинган. Лекин унга нафақа 2001 йил сентябр ойидан бошлаб тўланган, яъни август ойига 5145 сўм нафақа пули тўланмаган. Бундай ҳолат «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2000-2001 йиллар давомида жами 36 та онага нафақа тўлашда камчилик ва лоқайдликка йўл қўйилиб, уларга 123585 сўм нафақа пули кам тўланган.

Марат ҒУЛОМОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент

(Давоми бор).

ХОНОБОД ОБОД БЎЛАДИ

Андижон сув омбори кирғоқларига жойлашган Хонобод шаҳри водийдаги энг кўкаламзор ва сердарахт гўшалардан ҳисобланади.

Шаҳарни янада кўпроқ дарахт ва гулларга буркаш учун Хонобод ҳокимлиги бўш ётган ерларда учта кўчатзорни барпо этди. Бу ерларда ҳозир миллион тупдан зиёд чинор, тоғ арчаси, терак ва бошқа манзарали дарахт ниҳоллари парвариш этилмоқда.

Айтиш керакки, шаҳарликларнинг ҳар бири йилига ўнтадан кўчат экишни анъанага айлантирган. Яна бир гап, шаҳарда куз келганда хазонлар ёқилиб , экологияга зарар етказилмайди. Улар йиғиб олиниб , ўраларга ташланади. Қарабсизки, маълум муддатдан кейин чириган хазонлар тап-тайёр ўғит бўлади..

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Халқ таълими муассасалари тизимида 2003-2004 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик бўйича ўтказилган республика танлови якунларига кўра Андижон вилоятидаги Кўрғонтепа тумани биринчи ўринни эгаллади.

Тумандаги 49 та умумтаълим мактаблари ва 45 та мактабгача тарбия муассасалари жамоалари муддатидан анча илгари бинолар ва иситиш ускуналарини қишга тайёрлаб қўйишди. Барча боғча ва мактабларда янги ўқув йили олдидан жорий ишлари августнинг дастлабки ўн кунлигида уддаланди. Бир нечта иншоотларда иситиш тизимлари капитал таъмирдан чиқарилди, қозонхоналарнинг қуввати оширилди. Туман халқ таълими тизимидаги барча муассасалар зарур миқдордаги кўмир, керосин ва ўтин билан таъминланди.

Кўрик танлов ғолиби сифатида туман халқ таълими бўлими компютер билан тақдирланди.

Туркистон- пресс



Қашқадарё вилоятидаги «Ширинбулоқ» йўл патрул хизмати масканида транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ердан автоуловлар мамлакатимизнинг турли шаҳарларига йўл оладилар. Уларнинг ўз манзилларига эсон-омон етиб олишларида йўл нозирларининг хизмати катта бўлмоқда.

Суратда: (чапан ўнга) милиция катта сержанти Хайрулла Номозов, милиция катта лейтенанти Сирожиддин Сафаров ва милиция старшинаси Саттор Муродовлар.

А.ХУДОЁРОВ
олган сурат

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: 1.Ўқитувчи ёшига доир пенсияга чиккан. Лекин унинг сабоқ бериб келган фанидан ўқитувчи етишмайди. Ана шу сабаб билан у ишга чакиртириб олинса, унга пенсияси тўлиқ берилиши мумкинми?

2.Мактабда тегишли бирор-бир фан ўқитувчилари етишмаганда мактаб директори оддий ўқитувчига, неча соатгача дарс таксимлаши мумкин бўлади?

Б.АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги 1289-сонли «Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар тўғрисида»ги Фармонига асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи қуйидаги пенсионерларга пенсиялари 100 фоиз миқдорида тўланиши белгиланган:

– II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга) I, II гуруҳ ногиронларига ва Чернобил ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга;

– II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаганларга;

– фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг пенсиядаги раисларига;

– ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячиларига, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган аёллар ҳам 100 фоиз пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолган ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

2. Мактабда тегишли бирор бир фан ўқитувчилари етишмаганда мактаб раҳбари мактабдаги ўқитувчига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб туман шаҳар халқ таълими бўлимлари рухсати билан қўшимча дарс соатлари бериши мумкин (1 ставка миқдорида).

«КАРВОН» ҚЎЛГА ТУШДИ

Жиззах вилоятининг Қозоғистон билан чегарадош Мирзачўл туманида юз берган бу воқеа айримларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

«Туркистон» ширкат хўжалиги томонидан кетма-кет келаётган кажавали беш мотоцикл божхона пости назоратчиларининг эътиборини тортди. Улар «карвон» йўлини тўсиб чиқди. Мотоциклчилардан бири божхонани четлаб ўтиш ҳаракатига тушди. Бироқ шошганидан рулни бошқаролмай қолди ва... ағдарилган мотоцикл эгасини босиб қолди. Оғир аҳволда шифохонага келтирилган Н.Синдоров ҳаётдан кўз юмди.

Маълум бўлишича, ушбу гуруҳ аъзолари Арнасой тумани «Хоразм» хўжалигида яшовчи бир шахсдан қўшни республикага ўтказиб сотиш мақсадида, 2,5 тонна пахтанинг килограммини 100 сўмдан сотиб олган экан.

Осон пул топиш йўлига кирган бундай «эпчиллар» Жиззахда ягона эмас. Хусусан, Мирзачўл туманининг Абай номидаги ширкат хўжалигида яшовчи F.Эшимовнинг трактор тиркамасига ортилган 400 килограмм пахтанинг устига маккажўхори поясини босиб чегарадан олиб ўтмоқчи бўлаётганида ҳийласи фош этилди.

Қозоғистоннинг Махтаарал туманида яшовчи Т.Ботиров, А.Ботиров, К.Синдоров ва Ж.Лабилаев эса 500 килограмм пахтани отга ортиб чегарадан ўтказмоқчи бўлаётганида, божхоначиларга рўбарў келди. Т.Кушаев эса 250 килограмм пахтани эшакка ортиб бораётганида қўлга тушди.

Энди улар қонун олдида жавоб беради.

(ЎзА)

Ўзбекистон меъморлари томонидан яратилаётган лойиҳалар йирик иншоотларнинг қад кўтаришида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бир гурух мутахассис олимлар эса ўлкамизнинг қадимий тарихий обидаларини тадқиқ этишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

БИР ЙЎЛА ИККИТА МУКОФОТ

Таниқли меъмор Феруз Ашрафийнинг бу борадаги изланишлари натижаси ўлароқ, "Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз. Архитектура ёдгорликлари" деб номланган китоб чоп этилди.

Ушбу қўҳна шаҳарлар, уларни безаб турган меъморий обидаларнинг юзага келиш тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур нашрга Ўзекистон меъморларининг яқинда ўтказилган учинчи қурултойида юқори баҳо берилди.

Китоб бир йўла Гран-при ҳамда "Олтин тош устун" махсус мукофоти билан тақдирланди.

"Туркистон-пресс"

Қинғир иш - келтирар ташвиш

СОЛИҚ ТЎЛАШДАН бўйин товлаганлар

Мустақил Ўзбекистонимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилган. Омилкор, ташкилотчи ва ташаббускор кишилар хайрли ишларга қўл уриб, ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришмоқда. Кичик корхоналар, устахоналар очиб, халқимиз учун энг керакли маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлар сони ортиб бормоқда.

Бироқ, шундай учарлар ҳам борки, улар нима қилиб бўлсада, шахсий бойлик орттиришга ружу қўйишмоқда. «Қудрат» хусусий фирмаси бекорга ходимларимиз «назари»га тушмаганди. Бу ердагилар гўёки шохидамас, баргида юришга одат қилишган. Ходимларимиз томонидан фирмада солиқ ва бошқа тўловлар қандай амалга оширилаётганлиги назоратдан ўтказилганида сир ошкор бўлди қўйди. Қарангки, «Қудрат» фирмаси раҳбари Х.Сафаров 2000 ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фаолият юзасидан солиқ инспекциясига умуман ҳисобот топширмаган. Бу демак, солиқ ҳамда бошқа тўловларни тўлашдан атайлаб бўйин товлаган. Оқибат натижада бюджетга 6191 минг сўм зарар етказилган. Энди у минг бора пушаймон қилмоқда.

Табиийки, савдо-сотиқ қилиш учун тегишли ҳужжатлар талаб этилади. Маҳсулотнинг сифат сертификати, у хориждан олиб келинган бўлса, бож тўловлари ҳақидаги ҳужжатлар зарур. Лекин Гулчеҳра Жуманова ва Асия Алиевалар тартиб қоидага зид равишда ҳаракат қилишган. Бу устомон дугоналар 2 миллионга яқин товар-моддий бойликларини сотаётганда тузоққа илинишди.

Олий маълумотли хусусий тадбиркор Эркин Эрматов хатти-ҳаракатлари барчани ажаблантирди. Виждонни жиғилдонга айлантирган бу кимса 3750 кило қайта ишланган пахтани икки минг АҚШ долларига сотаётган пайтда қўлга тушди. Назорат касса машинасидан фойдаланмай савдо қилганлар фаолиятига ҳам муносиб баҳо берилди. Биз ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари билан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантираяпмиз. Ўзаро суҳбатлар чоғида таъсирчан мисоллар, керакли адабиётлар ва матбуотда эълон қилинган чиқишлардан унумли фойдаланилмоқда.

М.ХОЛМУРОТОВ,
Чирчиқ шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлим бошлиғи

Ифтихор

КУРАШДАН МИННАТДОРМАН

дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Нурмуҳаммад Юсупов

Кураш зали мухлислар билан тўлган. Маълумот берувчи ҳакам гиламга чиқиши лозим бўлган полвонлар номини француз ва инглиз тилларида эълон қила бошлади.

« Владимир Бугорский - уч карра жаҳон чемпиони, тўрт карра ушбу турнир ғолиби. Россия, Москва шаҳридан.»

Гиламда оқ яктакли полвон кўринди. Мухлислар олқиши анчагача тинмади. Гиламга навбатдаги полвон чақирилди.- Бироқ, унинг номи мухлисларга нотаниш бўлгани учунми, узуқ-юлуқ чапаклар эшитилди холос.

Ҳакам беллашувга рухсат берди. Бири оқ сарикдан келган, иккинчиси эса тим қора сочли, полвонлар бир-бирларига рўпара келишди. Бироз фурсат ўтиб, яшил яктакли полвон эпчил ҳаракат билан чиройли усул қўллади. Лекин негадир ҳакам бу ҳаракатни баҳоламади. У полвонлар гилам ташқарисига чиқиб кетганлигини билдирувчи ишорани кўрсатди. Залдаги мухлислар норизо кайфиятда эди. Бақириқ-чақириқлар бўлиб ўтди. Сал ўтмай яна ўша полвон тезкор ҳаракат билан усул ишлатди. Аммо ҳакам бу сафар ҳуштагини чалиб, усул ишлатган полвонга огоҳлантириш кўрсатди. Унинг рақибига бир очко берилди. Энди ишқибозлар янада қаттиқроқ қийқириқ билан зални ларзага келтирдилар. Бу ҳолатни кўриб турган бош ҳакам гиламдаги ҳамкасбларини ёнига чорлаб, бир нарсаларни уқтирди.

Муросасиз кураш давом этарди. Ўша қорачадан келган полвон ғаройиб усулни амалга оширди. Усул тўрт балл билан баҳоланди. Таблодаги ҳисоб 1:4 га ўзгарди. Мухлислар олқиши зални тутиб кетди. Оқ яктакли полвон ҳам ҳаракатга тушди ва усул қўллаб бир очко ишлади. Таблодаги вақт тез ўтиб борарди. Ва ниҳоят ҳакамнинг беллашув тугаганини билдирувчи ҳуштаги янгради. Мўъжазгина зални тўлдириб ўтирган мухлисларнинг «Оллей, оллей Ўзбекистон» деган хитоблари анчагача тинмади.

Бу лавҳа қаҳрамони Франциянинг Нишце шаҳрида бўлиб ўтган самбо қураши бўйича фахрийлар ўртасидаги халқаро турнирнинг ярим финалида номдор рақибини мағлуб этган бухоролик Нурмуҳаммад Юсупов эди.

...Қоракўллик Турсун полвон оиласида етти нафар ўғлон вояга етарди. Эл орасида катта полвон сифатида ном қозонган кишининг фарзандлари ҳаётини курашсиз тасаввур этиш қийин эди. Ўғилларининг курашга бўлган меҳрини кўриб, Турсун полвон ич-ичидан севинарди.- Нурмуҳаммад оилада учинчи фарзанд бўлиб, ака-укалари билан кураш тушишдан чарчамас-



ди. Давралардаги бел олишувлар билан йигитларнинг маҳорати ошиб борди. Юсуповларнинг шуҳрати Қоракўлдан чиқиб бутун юртга таралди. «От ўрнини той босар» деганларидек, Турсун полвон фарзандлари кўплаб мусобақаларда ғолибликни қўлга киритиб қайтарди. Ёш Нурмуҳаммад ҳаётини курашсиз тасаввур этолмасди. Шу боис 1969 йил пойтахтга йўл олди. Ва Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтига ҳужжатларини топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлди. Кураш борасида анчагина ном қозонган, Нурмуҳаммадни кўплаб турнирларга таклиф этишарди.

Кечагидек ёдида, ўшанда Кишинёв шаҳрида самбочиларнинг навбатдаги турнири финалида россиялик Бугорскийга қарши гиламга чиқди. Ҳарчанд уринмасин, ҳакамларнинг ён босишлари туфайли бу курашда мағлубиятга учради.

Эл орасида кураш тушиб ном қозонган дадасининг «курашда ғирромлик билан ютгандан кўра, ишқибозлар олқишини олиб енгилган маъқул» деган сўзлари Нурмуҳаммаднинг қалбидан жой олган эди. Шундай бўлса-да, у бу турнирдан алам билан қайтди.

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди.

– Қарангки, – дейди Нурмуҳаммад ака, – Францияга спорт устаси эканлигим тўғрисидаги ҳужжатимни уйда қолдириб борибман. Саралашдан ўтишга тўғри келди. Шундан сўнг рақибларимни кетма-кет енгиб ярим финалга чиқдим.

Шунда Нурмуҳаммад аканинг ёнига нотаниш одамлар келиб, россиялик полвонга қарши гиламга чиқмаслигини сўрадилар. «Касаллик туфайли гиламга чиқмадим, дея айтишликни тайинлашди». Нурмуҳаммад ака тутақиб кетди. «Агар у кучли бўлса, мени гиламда енгсин», деган жавобни берди. Ярим финалдаги ҳолат билан юқорида танишдингиз. Финалда эса Нурмуҳаммад полвон латвиялик рақибини 1,5 минутда енгишга муваффақ бўлди. Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилди. Франциялик мухлислар ҳам Нурмуҳаммад ака каби кўксиларига қўлларини қўйиб, полвонга эҳтиром кўрсатдилар.

– Тўғриси, мустақил юртим шарафини халқаро майдонларда ҳимоя қилолмаганимдан ўксиб юрардим, – дейди полвон. Бу гал шундай имконият туғилганидан роса хурсанд бўлдим. Мустақиллик туфайли курашимиз дунёга чиқди. Мен оддий фуқаро Франциядек давлатда бўлиб қайтиш бахтига муяссар бўлдим. Эришган барча ютуқларимизда бизга кураш ёрдам берди.

Юқорида айтганларимиздан пайқаган бўлсангиз, Турсун бобо фарзандларининг ҳаммалари кураш бўйича спорт усталаридир. Нурмуҳаммад ака бугун Қоракўл тумани агросаноат ҳодимлари касаба уюшма туман қўмитаси раиси сифатида, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга, курашга ошно этиш борасидаги эзгу ишларини давом эттирмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

САНЪАТ КОШОНАСИ ҲАҚИДА КИТОБ

Республикамиз пойтахтида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри ҳашаматли биносининг бунёд этилиши, миллий меъморчилик санъатида катта воқеа бўлган эди. Мана 55 йилдирки, бу гўзал санъат кошонаси томошабинлар хизматида.

Ана шу қутлуғ сана муносабати билан «Ўзбекистоннинг катта театри» деб номланган китоб-альбом босиб чиқарилди. Янги нашр таниқли меъмор Феруз Ашрафий ва халқ артисткаси Бернора Қориевалар ижодий ҳамкорлигида яратилди.

Китоб-альбом санъат кошонаси тарихини акс эттирувчи кўплаб ҳужжатли фотосуратли материаллар, турли расмлар билан бойитилган.

Театрнинг ижодий йўли, саҳна юзини кўрган спектакллар ҳақидаги мақолалар ҳам қизиқиш билан ўқилади.

«Ўзбекистоннинг Катта театри»ни босмага тайёрлашда Ўзбекистон кино ва фотоҳужжатлар Давлат архиви, Мухтор Ашрафий уй-музейи материалларидан кенг фойдаланилди.

Суҳбатлашиш одоби

Ҳар бир одам ўзига хос сирли олам бўлиб, бу мўъжаз оламга йўл топиш учун суҳбатдошларнинг жуда кўп шахсий жиҳатларини: жинси, ёши, касби, лавозими, қизиқиши ва бошқа хилма-хил томонларини инобатга олишга тўғри келади. Акс ҳолда баъзи кўполроқ суҳбатдошларнинг: «Сиз ким билан гаплашаётганингизни биласизми ўзи?!» қабилидаги эътирозларига дуч келишингиз ва суҳбатдан кўзланган мақсадга эриша олмаслигингиз мумкин.

КИМ БИЛАН ГАПЛАШЯПСИЗ?

Одатда мулоқот жараёнида суҳбатдошлар жинсига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки аёлларнинг ўзига хос «маҳрам гаплари» (Чўлпон) борки, улар бу гапларни эркаклар ҳузурида зинҳор-базинҳор гапирмайдилар. Шунинг учун ҳам қизлар асосан оналари билан сирдош бўладилар ва оналарига айтган баъзи гапларини ҳеч қачон дадаларига айтмайдилар.

Аёллар нутқи эркаклар нутқидан ҳар жиҳатдан: товушлар ифодаси, луғат таркиби, гап қурилиши каби томонлардан сезиларли даражада фарқланиб туради. Эркаклар нутқи ҳам қисқа, лўндалиги, босиқ ва қатъий оҳангда айтилиши ҳамда бошқа жуда кўп жиҳатлари билан аёллар нутқидан фарқланади: Шу боисдан бўлса керак, муомала бобида дунёга машҳур бўлган Япония мамлакатида 32 та сўздан ортиқ сўзлаган кишини аёллар тоифасига киритишар экан. Бу қоидага ўзимизнинг ота-боболаримиз ҳам қатъий амал қилганлар. Жумладан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» номли машҳур романида шунга оид қуйидаги парчани ўқиймиз: «Мингбоши одатда хотинларга калта гапирар, улар билан эзилиб ўтиришни ўз эркаклик шаънига сиғдиролмас эди...». Худди шу асар қаҳрамонларидан бири Раззоқ суфи ҳам сўз қадрига етадиганлардан: «сўфининг бу бобда ўзига кўра асосли бир маслаги бор: у ўзи мақтаниб айтганидай, хотин-халаж олдида оғиз очиб тил қалтиратишни раво кўрмайди».

Шу мазмундаги гапларни XX асрнинг таниқли олимлари ҳам эътироф этмоқдалар: «Психолог Ричард Бередуистолнинг таъкидлашича кўра, эр-хотин ўртасидаги гап қанчалик чўзилса, уларнинг ажралиб кетиши шунча яқин бўлар экан. Унинг ҳисоби бўйича оддий оиладаги эр ва хотин бир кеча-кундузда ўртача 27 дақиқа гаплашар экан. Бир юз ўн етти дақиқага чўзилган гап эса аянчли ҳисобланади. Ҳар куни суҳбатлар қанчалик узоқ давом этса, оила тез орада барбод бўлар эмиш».

Кишилар билан мулоқот чоғида сўзловчи ўзининг ва суҳбатдошининг ёшини инобатга олиши, айниқса, муҳимдир. Чунки катталарнинг ўз суҳбат мавзуси бўлгани каби, болаларнинг ҳам тўлиб-тошиб гапирадиган мавзулари бўлади. Шунинг учун кўпни кўрган кишилар болалар билан бола бўлиб, кексалар билан кекса бўлиб суҳбат қуришга ҳаракат қиладилар. Эътибор берган бўлсангиз, одамлар ўз ёшига номуносиб сўз айтган кишилардан «Кап-катта одам шу гапни гапириб ўтирибди-я» деб хафа бўлишади ва бундай кишиларга ўз вақтида: «Бачкана бўлманг!» деб танбеҳ берадилар. «Бачкана» сўзи тожикча «бачагона» каломининг қисқарган кўринишидир бўлиб, «болаларга хос», «болаларга ўхшаб» деган маънони англатади. Ўз навбатида болалардан ҳам катталарга хос усулда гапирмаслик талаб этилади. Бунга амал қилмаган болаларни эса «кексақари» деб атайдилар.

Қадимий шарқона удумга кўра ўзидан битта кўйлак кўп йиртган кишига ҳам «Сиз» деб мурожаат этилади ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлинади. Аммо «қизил империя» даврида бу яхши удумимиз ҳам аёвсиз равишда топталди. Натижада укалар акаларга, сингиллар опаларга, ҳатто фарзандлар отаоналарига; шунингдек, шогирд устозига, фуқаро ўз ҳокимига тик боқадиган, гап қайтарадиган, ўлган бўлса, қабрига тош отадиган одат чиқарди! Бу диёнатсизликнинг дастлабки «самараси» шу бўлдики, юртдан имон-эътиқод, қут-барака кўтарилди.

Яратганга беадад шукурлар бўлсинки, мустақил Ўзбекистонимиз аҳли ўз вақтида ақлини йиғиб олди. Айни кунларда кишиларимиз ўртасида бир-бирларига нисбатан ҳурмат-эътибор қайтадан тикланмоқда. Бу эса юртни обод, эл кўнглини шод этадиган ягона омилдир.

Қарангки, Туркияда хўжалар (муаллимлар)га нисбатан бир оғиз ножўя сўз айтганлиги учун талаба ҳар қандай илм даргоҳидан четлаштирилар экан. Хушмуомалалик бобида алоҳида ажралиб турадиган Японияда эса японлар бир-бирларига 15 градус, мижоз ёки харидорларга 30 градус эгилиб таъзим қилсалар, бошлиқларга энг кўп, яъни 45 градус эгилиб ҳурмат кўрсатар эканлар. Биз эса буни дарҳол лаганбардорлик, хушомадгўйликка йўямиз. Аслида эса мусулмончилик қонун-қоидаларига кўра ҳам Оллоҳга ва ҳокимларга нисбатан алоҳида эътиборли бўлиш уқтирилган: «Эй, мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарларга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!» (Қуръони карим, Нисо сураси, 59-оят).

Буларнинг ҳаммаси мулоқот чоғида суҳбатдошларнинг ёши, жинси, касби, лавозими ва бошқа жиҳатларига эътибор бериш яхши суҳбатдош бўлишнинг зарурий шартларидан эканлигини кўрсатади.

Сиддиқжон МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори.

Оила даврасида

Ўзингизни ҳеч вақт четдан туриб кузатганмисиз? Қалбингизга худди бегоналардек назар ташлаб, унинг ичкарисини кўра олганмисиз, ҳеч? Баъзан шундай қилишга ҳам тўғри келади. Негаки, инсон ўз виждони олдида тез-тез ҳисоб бериб туришга одатланмоғи керак. Яхшиси, сиз ҳар куни эрталаб ўз-ўзингиздан сўранг: «Мен кеча тўғри иш қилдимми? Кимни ранжитдим? Кимга яхши сўз айтдим? Қандай хатоликка йўл қўйдим?» Ана шунда бир кун аввалги воқеалар кўз ўнгингиздан бирма-бир ўта бошлайди. Кўнглингиз тўлса, енгил тортасиз. Кўнглингиз тўлмаса-чи? Виждонингиз олдида сал ҳижолат чекасиз. «Мен кечаги хатони бугун такрорламаслигим керак!» деган биргина сўз хаёлингиздан кечади. Аслида шу биргина сўз Сизнинг бугунги кунингизни белгилайди.

ХАТО ҚИЛМА, ЎҒЛИМ...

Америкалик адиб Дейл Карнегининг машҳур асаридаги қаҳрамонлардан бири шундай дейди: «...Ўзига берилган топшириқни ёддан чиқаргани учун мен қизимни бир ҳафта севимли машғулотидан озод қилдим. У шу вақт ичида кўчага ҳам чиқмади ва маъюс бўлиб қолди. Лекин, шу кичик «жазо» ажойиб самара берди: қизим ҳар гал мен гапираётганимда жуда диққат билан қулоқ солиб туради».

Биз ёшларнинг кундалик хатоларини жуда осонликча кечирамиз. «Ҳали ёш-ку» дея ўз-ўзимизга таскин ҳам берамиз. Лекин, назаримда битта нарсани унутамиз. Хатони дарров кечириш уни қайта такрорламасликка кафолат беролмайди!

Биринчи воқеа. Никоҳ базми давом этарди. Тўй даврасидагилар ўйин-кулги билан овора пайтида куёв пиёлага шампан виносидан қуйиб, келинга узатади. «Йўқ, ичмайман» дея пичирлайди келин. «Ҳали сиз биринчи кунданоқ гапимни қайтараяпсизми?» дейди жаҳли чиқиб куёв. Келин пиёлани қўлига олади. Сўнг сал нарида унга қараб турган келинойисига кўзи тушади. «Ичманг» деб имо қилади у. Келин пиёлани қайтариб жойига қўяди. Анча вақт ўтиб, куёв жўраларидан бири улар ёнига келади ва келинга вино қуйилган пиёлани узатади. Ичишга ундайди. Келин қарасаки, бу йигит ўта ширакайф, агар ичмаса тихирлик қилиб, бошқалар эътиборини тортиши тайин. У пиёлани олиб секин хўплаган бўлади. Буни кўрган куёв «Сен ҳали менинг гапимни ерда қолдириб, ўзгалар қўлидан шампан ичадиган бўлдингми!» дея дўқ уради. Келин ҳам нимадир дейди. Шунда куёв қаттиқ қизишиб келинчакнинг юзига шапалоқ тортади. Келин қичқириб юборади. Столдагилар ўрнидан туриб кетади. Даврага совуқ жимлик чўкади.

- Қанақа бола ўстиргансизлар, биринчи кунданоқ қизимни ҳамманинг олдида шарманда қилди, - дейди қизнинг онаси йиғлаб. - Менинг қизим кўчада қолгани йўқ, шуни билиб қўйинг!

- Ҳали ёшда, ўғлимизни кечиринг, қуда, - дейди йигитнинг отаси. - Шунақа қизиққонроқ феъли бор.

Қиз томон кечиради. Тўй давом этади. Келиннинг юрагига мунг чўкади, асраб юрган соф туйғуларига завол етади.

«Тўй кечаси нега шундай кўнгилсизлик юз беради?» деб ўйлайсан беихтиёр. Бунга сабаб, ота-онанинг ўғлидаги «қизиққонлик»ни қайта-қайта кечириб келгани эмасмикин?

Иккинчи воқеа. Ўғил уйлангач, шаҳар марказидан ижарага уй олиб кўчиб чиқади. Қишлоқда қолган отаси кексайиб кучдан кетган, онаси касалманд эди. Ҳовли деворлари эса тутдай тўкилган. Хонадонда яна бир бўйиқиз бор, лекин унинг қўлидан нимаям келади. Бир гал ўғил келганда «Деворни яхшилаб суваб, эшикни қайта ўрнатиб бергин» - дейди ота.

- Хўп, майли. Сиз бу учун менга қанча ҳақ тўлайсиз? - дейди ўғил.

- Ие, сен ўз ҳовлингда ишлаганинг учун мендан пул сўрайсанми?

- Бўлмаса-чи, ҳозирги кунда бунинг айби йўқ, ота. Ахир ижарада яшаётган бўлсак...

Шу куйи ота-ўғил савдолашишади. Ўғил келиб ишни битиради. Ота унинг хизмати учун пул тўлайди. Бу воқеа бир қарашда сал оддийроқ туюлар. Лекин, ким қандай хатога йўл қўйди? Ўғил отаси олдидаги фарзандлик бурчини тўла англаб етмаган экан, ота уни осонгина кечириш ўрнига бошқачароқ йўл тутиши зарурмасмиди? У четдан уста ёллаб, ҳовлини тузаттирганида, балки бу ўғлига катта сабоқ бўлар ва шунда юз беражак кўп хатоликларнинг олди олинармиди?!

Ёшликнинг хатоликлари чиндан ҳам «қор зарраси сингари» ҳаётимизга сингиб кетаверадими? Демак, қор зарраси сингари хатолар ҳам беадад, такрор-такрор юз бераверар-кан-да! «Биринчи қадамни тўғри қўй!» деган эски гап ҳам бор. Биринчи қадам... Ҳаётга, оилага ва адо этилажак жамики бурчлар сари қўйилган биринчи қадам тўғри бўлса, яшаш осонроқ кечади. Ботиний муаммолар, изтироблар юкидан виждон азоб чекмайди. Дарвоқе, виждон... У - ҳушёрми? У - тирикми? Менимча, қачонки хатолар осонликча кечирилса, виждонимиз ухлоқлигича қолаверади. Ваҳоланки, виждон хатони ҳис этиши керак!

Мен яқинда эшитганим ва шу мақолани қоралашимга сабаб бўлган бир суҳбатни айтиб ўтаман. «...Аниқ эслайман, ўшанда ўн тўрт ёшда эдим, - дейди суҳбатдошим. - Таътил бошланиб, бекор қолдик. Қишлоқ ичи жим-жит, ҳамма дала ишида. Идоралар ҳам ёпиб қўйилган. Биз икки-уч бола қишлоқдаги медпунктга ўғриликка кирмоқчи бўлдик. Ўшанда оддий бир медпунктдан нима ўғирлаш мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Бу иш бизга қизиқ бўлиб туюлган, холос. Хуллас, дераза ойнасини синдириб, ичкарига кирдик. Ўзимизча нималарнидир «ўмардик». Аммо, ўша куни кечқурун қилмишимиз ошкор бўлди. Деразадан кирганимизни мактаб қоровули кўрган экан. Шу куни отам мени ҳовлимиздаги ҳаммом ичига қамаб қўйди. Йиғладим, ялиндим, қичқирдим, эшикни очмади. Онамнинг ёлворишига ҳам қулоқ солмай, отам калитни чўнтагига солиб ишга кетди. Бир кеча-кундуз «қамоқда» ётиб нималарни ўйламадим денг. Қайта-қайта ўзимга сўз бердим. Ҳаммомдан чиқаришганида ўлар ҳолатда эдим. Энди ўйлайман. Ўшанда отам тўғри қилган экан. Ўша жазо сабаб, мени эгриликка билиб-билмай қўйган қадамим сўнгги қадам бўлди ва бундай ишни қайта ҳеч вақт хаёлимга келтирмадим...»

Суҳбатни тинглаб, узоқ йилларда юз берган бир воқеа ёдимга тушди. Қўшнимизнинг икки қиз, бир ўғли бор эди. Отаси ўғлини «ёлғизим» деб суяр ва қизларидан ортиқроқ кўрарди. Нима деса шуни муҳайё қиларди. Мактабни битириш арафасида ўғли «Менга моторли велосипед олиб беринг» деганида отаси: «Сен бундай нарсаларга чалғима. Сени шаҳарга ўқишга киритаман» - дейди. Ўғил айтганида туриб олади, отаси уни бироз қойийди. Биринчи марта «сўзи ерда қолган» ўғил шу куни тунда ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади...

Япон халқида жуда гўзал бир одат бор экан. Ёшлар кундузги юмушлардан бўшагач, қариларни парку тўқаклар солинган аравоваларга тўқазиб, кечки боғларда сайр қилдиришаркан. Катталардан қарздорлик, ота-оналар олдидаги бурч тушунчаларини эслатиб тургувчи шу сингари одатлар бизнинг халқимизда ҳам бор. Лекин, ёшларимиз уни қандай адо этишаяпти? «Эй, фарзанд, сен ҳар куни ота-онанг зиёратига бор, - дейилади Ҳадисларда. - Уларни рози қил ва дуоларини ол. Ота-онанг дуоси сени хатолиғлардан асрагувчи тумор кабидур!»

Сиз ҳар куни тонгда ўз-ўзингизни сўроққа тутинг. Ана шунда ҳаётингизда юз берган арзимаган бир яхшилик ҳам кўнглингизга катта қувонч олиб киришини ҳис этасиз. Ва бундан завқланасиз. Виждонингиз тозариб, руҳингиз юксалади. Дилхираликлар эса... Йўқ, улар кечаги кунларда қолиб кетгани маъқул. Янги кунингиз яхшилик билан бошланади ва унда хато рўй бермайди. Ўзингизни шунга ишонтиринг.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Дўстлик туманидаги Ф.Хўжаев номли 6-умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилмоқда. Болалар спорт мажмуаси қуриб, ишга туширилди. Спортнинг 10 дан зиёд тури бўйича шуғулланиш имкони яратилди.

Суратда: жисмоний тарбия ўқитувчиси Мамадали Абдураҳимов ўқувчилар билан машғулот ўтаётган пайт.

Н.БЎРИЕВ олган сурат

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Ўқув адабиётларини босмага тайёрлашга ўта масъулият билан ёндошилмоқда. Махсус танловдан муваффақиятли ўтгач, улар чоп этишга тавсия қилинмоқда.

«Табиий география (бошланғич курси)» дарслиги ҳамда у учун махсус яратилган услубий қўлланма ҳам энг яхши ўқув адабиёти деб баҳоланди. Умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун ёзилган бу китоблар Осиё тараққиёт банки томонидан эълон қилинган танловда ғолиб деб топилди. Ҳамда босмага тавсия қилинди.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури талаблари даражасида яратилган «Табиий география (бошланғич курси)» дарслиги ва ўқув қўлланмаси яқинда янги алифбода кўп нусхада чоп этилди.

Акбар АЛИЕВ

Оғриқ нуқталар

ЗАҲРИ ҚОТИЛ

қотилликка сабаб бўлди

Соҳиб билан Ғайрат ҳали анча ёш, биринчиси эндигина ўн еттига қадам босган бўлса, иккинчиси ўн тўккизга тўлиб йигирма ёшга боряпти. Бошқачасига айтганда, билим чўққиларини забт этадиган, бирон касб-ҳунарнинг бошини тутиб оила тебратишга ҳозирлик кўрадиган пайтлари. Лекин улар бошқа йўлдан кетдилар. Ҳали суяклари қотмасдан чекишга, ичишга ўргандилар, ҳаёт мазмунини маст бўлиб, оғизларидан спиртли ичимликнинг бадбўй ҳидини анкитиб юришдан, қизларга гап отиб, тегажаклик қилишдан, тунлари ухламасдан бошқаларнинг оромини бузиб, асабини қақшатишдан иборат, деб билдилар.

Ушбу фожеа юз бериш арафасида ҳам қандайдир ҳаром-хариж йўллар билан топилган пул эвазига арақка тўйиб олиб қизлар билан танишмоқчи, кайф-сафо қилмоқчи бўлишди. Олдинига Соҳиб аввалдан келишилгани бўйича таниши Ғайрат билан Давлатобод туманининг 6-кичик тумани 31-уй яқинидаги сув қувури олдида кўришишди. Таниш-лари Раъно ва Моҳира билан «қиттай-қиттай» қилишиб, ўтган-кетганларга гап ташлаб, асабларига тегиб ўтиришди. Инсон боласига хос бўлмаган қилиқлари учун одамлар юзларини терс ўгиришаётганликлари уларнинг парвойига келмасди.Шу орада кўп қаватли уйларнинг биридан Сергей Хегай чиқиб қолмайдими? Энди оғизларига 100-150 грамм теккан ширакайф йигитчаларнинг ботирликлари тутиб кетди. Қизлар олдида ўзларини кўрсатиб қўйишмоқчи бўлишди. Олдинига оғизларидан боди кириб, шоди чиқиб сўкинишди. Сўнг тош отишди. Хегайнинг инсофга чақириши безориларнинг сабр-косасини тўлдирди.

– Сен ҳали гап қайтаришни ҳам биласанми?

Соҳиб ғизиллаганча «Мини-маркет» дўконидан пичоқ ўғирлаб чиқди-да, Ғайрат отган каттароқ тош зарбидан йиқилиб ётган бегуноҳ С.Хегайга ташланди ва пичоқни дуч келган жойига санча бошлади. Оқибатда оғир жароҳат олган Хегай жон таслим қилди.

Наманган вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг хулосасига кўра С.Хегай киндиги, қорнининг пастки қисми ва орқа ўнг кўкракка берилган ўткир зарбалар туфайли ҳамда кўп қон йўқотганлиги сабаб вафот этган. Тегишли маъмурият идоралари ўтказган суриштирув натижаларига кўра қотиллик ҳар икки ёш ароқхўр безори томонидан содир этилганлиги ўзининг тўла-тўкис исботини топди.

Табиийки, ҳар икки жиноятчи қилмишига яраша жазоларини олди, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин, бу ерда масаланинг иккинчи томони ҳам бор: ҳар иккиси Наманган саноат коллежи талабалари эди-ку! Шу коллеж маъмурияти, йигитларни ўқитаётган муаллимлари қаёққа қарашган? Биз-нингча, фақат жиноятчиликни жазолаш билангина иш битмаслиги керак. Жиноятчини келтириб чиқарадиган сабабларга қарши омилкорона курашиш фурсати келди, деб ўйлаймиз.

Толибжон КАРИМОВ,
Наманган вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г— 916. 1 3456